



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOĞLIQNI SAQLASH VAZIRINING
БУЙРУҒИ

Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларига
қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 14 мартдаги ЎРҚ–759-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ **буюраман**:

1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2014 йил 15 апрелдаги 5-сон буйруғи (рўйхат рақами 2584, 2014 йил 15 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 20-сон, 237-модда) билан тасдиқланган Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Тошкент ш.
2024 йил 10 январь,
2 сон



Xudayarov A. A.

Келишилди:

**Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси Раиси**

Тошкент ш.
2023 йил 15 декабрь,

**Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазири**

Тошкент ш.
2023 йил 18 декабрь,



Vahabov D. A.

Бобожонов П.Р.

**Одамнинг иммунитет танқислиги вирусига тиббий текширувдан ўтказиш қоидаларига
киритилаётган қўшимчалар**

1. 5-банд “паспорт” деган сўздан кейин “идентификация ID-картаси, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (болалар учун)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 1-илова матни “Ф.И.О., паспорт” деган сўзлардан кейин “идентификация ID-картаси, туғилганлик ҳақида гувоҳнома (болалар учун)” деган сўзлар билан тўлдирилсин.

